



«ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!»

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА ОЧИЛАДИГАН ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ IX ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ АНА ШУ ШИОР ОСТИДА ЎТАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 115 (6. 006) • 1986 йил 20 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ДЎСТЛИК ШАҲРИДА КИНО БАЙРАМИ

Ш. Р. МИРСАИДОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Бугун кўҳна ва навқирон Ўзбекистон диёрида байрам — кино байрами, тинчлик ва дўстлик байрами. Бугун Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивали очилади.

Ушбу анжуманинг Тошкентда ўтказилиши рамзий маънога эга. Совет Ўзбекистонининг пойтахтини ҳақли равишда тинчлик ва дўстлик шаҳри, тараққиётнинг Шарқдаги таянчи деб аташди. Тошкентда халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка катта ҳисса қўшаётган халқлар учрашувлари тез-тез ўтказиб турилади. Осие ва Африка прогрессив ёзувчиларининг бирдмаллиги ҳаракати ҳам шу ерда туғилган. БМТ ва ЮНЕСКО томонидан йирик халқаро анжуманлар шу ерда ўтказилди. Икки қитъа ривожланаётган мамлакатларининг кинематографчилари ҳам «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» олийжаноб шиорини рўбга чиқариш учун шу ерда биринчи марта тўпланганди. Лотин Америкаси прогрессив кинематографчилари ана шу шиорни қизғин қўллаб-қувватладилар ва Тошкент кинофестивалларининг доимий қатнашчиларига айландилар.

Тошкент бир қатор шаҳарлар билан биродарлашган. Ушбу ҳаракатни турли мамлакатларда қандай юксак кадрларининг кўп бор эшитганимиз. Тошкентликлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида самимий дўстлари борлиги билан ҳақли равишда фахрланишар.

Халқаро вазият мураккаб бугунги кунда тинчликни, дўстликни ва халқлар бирдмаллигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган ҳар қандай ҳисса алоҳида салмоққа эга. Тошкент меҳнатшасли, бугун аҳолиси Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивали ана шу олийжаноб ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонамиз.

Биз уч қитъа кино усталари учрашувлари.

ижодий мунозаралар учун кенг имкониятга эга бўлишларини, доҳиймиз айтган санъатлар ичида энг муҳими — кино халқлар ўртасида ҳамжиҳатликнинг янада ўсиши, миллий маданиятлар бир-бирини ўзаро бой-тишининг қудратли омили бўлишини истар эдик.

Тошкент фестивалларининг доираси бениҳоя кенг. Фильмларнинг расмий ва ахборот тарқатилиши кўриқлари, «Кино тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда» мавзусидаги анъанавий мунозара, кинематографчиларнинг томошабинлар ва ҳаммаслар билан кўсонли учрашувлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари анжуман қатнашчилари ва меҳмонларига Ўзбекистон ва унинг пойтахти эришган ютуқлар, меҳнати ва турмуш билан танишиш учун кенг имкониятлар яратилган. Шаҳримизнинг энг яхши кино ва концерт заллари уларнинг ихтиёрига берилган. Тошкентликларнинг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш борасидаги меҳнат ютуқлари билан кенг танишиш имкониятига эгадирлар.

Юз марта эшитганимиз кўра бир марта кўрган яхшироқ деб ҳақли равишда айтишди. Биз ишонимизки, меҳмонларимиз кўпгина қизиқарили ва фойдали нарсаларни билиб оладилар.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори бўлган кино санъати IX Халқаро кинофестиваль қатнашчиларига ва меҳмонларига, томошабинларга жуда кўп ўқитимас учрашувларни тўхфга этди. Бу шиор ер юзидан барча софидил кишилар учун тушунарли ва манзурдир.

Серкўёш пойтахтимизга — IX Халқаро кинофестиваль пойтахтига хуш келибсиз, азиз фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари!

Тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентдаги кино байрами хотирангизда абадий сақланиб қолсин.



Тошкент Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ҳамда меҳмонларини байрамона кўклам либосида кутиб олмақда

Ўзбекистон пойтахти май-донлари ва кўчаларини табириқ транспарантлари, анжуманининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган олимпиада шиори ёзилган таниш белги: Ер шарини ўраб турган кинолента ва «Тошкент-86» сана-си ёзилган эмблема ташкил қилган алдонлар бебаъ тарибди. Фестивалнинг бош қароргоҳи — «Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдидаги май-

донда уч қитъа санъат ар-боблари анъанавий май учрашувида қатнашувчи мамлакатларнинг давлат байроқлари кўтарилган.

Фильмларнинг расмий кўриги ўтказилган Санъат саройида «Совет Ўзбекистони киносанъати 60 йил ичида» мавзусидаги кўргазма ташкил этилган. Фестиваль ленталари намойиш этиладиган шаҳардаги бошқа кинотеатрларда ҳам тематик виставка-

лар очилган. 19 май, кино анжумани тантанали очилиши арафасида, республика жамоатчилигининг вакиллари Тошкент аэропортида меҳмонларни сўқидилди ва табрикландилар. Шаҳар аҳолиси прогрессив кино санъатининг намоёндаларини нон-туз, гуядастлар, байрам куйлари ва табассум билан кутиб олди. (ЎзТАГ).

Т. Каримов фотолари.

Сўз-фестиваль қатнашчиларига

«Ўзбекистон пойтахтига хуш келибсиз!»

Э. ЕҚУБХУЖАЕВ.

«Миконд» заводи ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати

— Тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкент IX Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олар экан, уларга «Хуш келибсиз!» демоҳда. Биз оддий ишчилар бўлган минг-минглаб томошабинлар бу анжуман қатнашчиларини самимий ва дўстона кутиб оламиз, уларнинг олиб келган фильмларини зўр қизиқиш билан кўрамиз. КПСС XXVII съездида ҳам адабиёт ва санъат аҳиллари олдида қатор масъулиятли вазифалар қўйилди. Кино ҳаёт билан қадамба-қадам бирга одамлаши, ёшларимизни ва танпарварлик руҳида тарбияловчи картиналар яратиши,

замондошларимиз, халқларимиз дўстлиги ҳақида ҳикоя қилиб бериши керак. Шаҳримизнинг барча кинотеатрларида фестиваль фильмларини намойиш этиш бошланди. Ҳар бир фильм томошабинда ўзига хос яхши қизиқиш уйғотмоқда. Бу анжуман ўзининг мазмунли шиори ва моҳияти билан жуда кўп мухлисларни катта даврага чорлади. Осие, Африка ва Лотин Америкаси кинематографчилари бу кинофестивалга олиб келган ленталарни эътибор билан кўряпмиз. Тошкент учрашуви уч қитъа кинематографчиларининг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашда хизмат қилади.

Ж. ИСҲОҚОВ,

Ўзбекистон кинематографчилар союзи правленийеси секретари, кинодраматург.

— Бугун серкўёш диёрида гўяда катта тантана. Ер кўрасидаги уч азамат қитъа — Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларнинг фестивали ўз иштини бошлади. Барча мамлакатларда бу йилгиға муносиват тўғрисида қўрилганнинг фестивалга тақдим этилган ранг-баранг мавзулардаги картиналардан ҳам билиш мумкин.

Мен фестивалга тайёргарлик кўрувчи комиссиялар фаолиятида иштирок этиб, хужжатли ва хроникал фильмларни танлашда қатнашдим. Тошкент фестивали диққатига ҳавола қилинган барча картиналар унинг шиориға ҳамоҳанг бўлиб, ўз мазмун ва долзарблиги билан жуда беради.

Австралия кинематографчилари лентаси 20-йилларда

Кино—тенгсиз қудрат



Упиндер ЧАНАНА,

Ҳиндистон, киносценарист ва киномунос.

— Ҳозирги кенг тараққий этган асримизда кинематография жуда катта қудратга эга. Унинг воситасида яратилган бадиий, ҳужжатли ёхуд телевизион картиналарда ифода этиладиган ва илгари суриладиган фикрлар ҳамма учун тушунарли, керакли ва аҳамиятлидир. Кино ўзининг оммабоп қудрати билан ҳам халқларни тинчлик руҳида яшашга даъват этади, зулм ва эксплуатация занжирларини ўзиб ташлашда курашларга чорлайди.

Бажонидил хизмат



Н. ИСАМУҲАМЕДОВ,

Тошкентдаги 2-автомобиль комбинати шофери.

— Оддий касб эгаси бўлган-лигим билан ҳаммиса фахрланаман. Бу касб менга жуда кўп қувончли воқеаларнинг гувоҳи бўлиш шарафига муассир эт-

ди. Шу касбим туфайли кўп йиллардан буюн Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларига хизмат қиломқадман. Ҳар сафар меҳмонхона олди-

Фестиваль кундалиги

БУГУН

республикамиз пойтахти Тошкентда Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро Тошкент кинофестивали ўз иш-тини бошлади.

Бугун эрталаб «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг матбот залида совет ва чет эл журналистлари учун матбот конференцияси ўтказилди. Унда Халқаро фестивалнинг ўз олдига қўйган хайрли мақсади, фестивалга марҳамат қилган мамлакатлар кинематографлари ва уларнинг томошабинлар диққатига ҳавола қилган картиналари ҳақида маълумотлар берилди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини пойтахтимиздаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ва Номаъ-лум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Шундан кейин Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш бошланди. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставаси, В. И. Ленин Миллий музейининг Тошкент филиали, Ўзбекистон ССР антиквар-заргарлик фонди, Ўзбекистон расмлар союзи кўргазмалар зали, сайёат музейи, Тошкент метрополитенини бораб кўрдилар.

Кечқурун соат 18.00 да В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивали тантанали очилди. Бу ерда республикамиз санъат усталари фестивал қатнашчилари шарафига концерт берадилар.

КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга



Техника шарофати

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 1-ёғочни қайта ишлаш заводи тайёрлаётган буюмларнинг ҳажми кенгайиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Вунда илгор техника ва технологияни изчиллик билан жорий қилиш катта ёрдам бермоқда.

Кейинги пайтда дераза блоклари тайёрланган 1-цехда буюмларни ҳаво ёрда-

мида бўйш мосламаси, 3-цехда эса металл қирқувчи янги ярим автомат дастгоҳ ишга туширилди. Ҳозир 5-цехда эшик блокларини пресслончи агрегат монтаж қилинмоқда. Айни пайтда технологик ҳавони ускуналарга етказиб беришни таъминлайдиган компрессор станциясини қуриш давом этмоқда.

Қардошлик қонуниға биноан

Мададкормиз

Чернобиль атом электр станциясида авария оқибатларини тўғатиш бўйича ишлар бирор минут тўхтамаган ҳолда тежорлик билан олиб бормоқда. Барча марка-зий газеталарнинг махсус мухбирлари газетанинг янги сонига ёзаётган репортажлардан у ерда аҳоли яхши-лаб бораётганлигини бил-либ турбимиз.

Михаил Сергеевич Горбачевнинг совет телевидение-си орқали сўзлаган нутқида совет кишиларига атом электр станциясидаги аҳвол тўғрисида ҳикоя қилди ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни аниқ ва равшан аниқлаб берди. Бун-дай фалокатлар бошқа кўп-гина мамлакатларда бўлган-лиги ҳам тўғри айтилди. Тинчлик атоми инсониятга фойда келтиради, бироқ у билан ишлашда жуда ҳам катта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим-лигини эслатади. КПСС Мар-казий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ўз нутқида бажарилаётган ишларга яқин исоб буяйди:

«Ядро асири халқаро муносабатларга янгича ёндо-шушни, ҳалокатли курулла-шиш пойгасини тўғатиш ва жаҳон сиёсий иқлимни туб-дан яхшилаш мафлаатлари

йўлида турли социал сис-темадаги давлатларнинг кўч-ғайратлари бирлаштирили-шини қатъий тақозо эт-моқда. Ўшанда барча мам-лакатлар ва халқларнинг са-марали ҳамкорлик қилиши учун кенг имкониятлар очи-лади. Бундан Ер юзиданги барча кишилар наф қуради-лар».

Мутахассислар авария оқи-батларини тезроқ тўғатиш мақсадида қўлларидан кел-ган барча ишни бажармоқ-далар. Мамлакатимизнинг турли чеккаларида керакли ююклар, мутахассислар Чер-нобильга йўл олмақда. Биз бунёдкорлар Чернобильдаги дўстларимизга яқиндан ёр-дам беришга тайёرمىз. У ерда машаққат борлигини биламиз. Биз дўстларимиз-ни ҳеч қачон яккалаб қўй-маймиз. Жафо чеккан по-сёлкаларнинг болаларини ўз диёримизда кутиб олишга, улар билан нон-тузимини баҳам кўришга тайёرمىз. Бу советлар мамлакатининг кишиларига хос фазилатлар-дир.

И. ОРИПОВ.

«Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинати бе-тончилар бригадаси бош-лиғи, СССР Давлат му-кофоти лауреати, Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамо-ни.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

Файзулла Ҳўжаевнинг но-ми Ўзбекистонда социализм қуриш учун мард курашчи-лар қаҳармону аюлди қа-торида ҳаммиса сақланиб қо-лади. 19 май кўни В. И. Ле-нин Марказий музейи Тош-кент филиалида бўлиб ўтган республика пойтахти жамо-атчилиги вакилларининг та-нганали йилгилини танийди партия ва давлат аробиб ту-гилган куннинг 90 йиллиги-ға бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузури-даги партия тарихи институ-ти директори Х. Т. Турсу-новнинг докладыда, Ўзбекис-тон ССР Фанлар академия-сининг мухбир-аъзоси О. Э. Эшонов, Тошкент шаҳар Ак-мал Икромов райониданги Ф. Ҳўжаев номли маҳалла хо-тин-қизлар Советининг раи-

си Т. Ш. Шамсиева, Улуғ Батан уруши ва меҳнат ве-терани, 1924 йилдан КПСС аъзоси А. А. Обидов ва йи-лишининг бошқа қатнашчи-лари нутқларида халқ ишига, Коммунистик партия гола-рига садоқат Ф. Ҳўжаевга хос хусусиятлар бўлганлиги айтиб ўтилди. У республика ҳукуматиға бошчилик қилиб, Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятини ривожлан-тиришга катта ҳисса қўшди, республикада кишлоқ ҳўжа-лигини индустриал, коллек-тивлаш ва маданий револю-ция ташкилотчиларидан бири бўлди. Ўзбекистон меҳнат-чилари ўзбек халқининг содиқ фарзанди Файзулла Ҳўжаев хотирасини миннат-дорчилик билан эсга олади-лар.

(ЎзТАГ).

Сайллар анъанаға айланади

Ўтган шанба кўни кўплаб ҳамшаҳарларимиз Карл Маркс кўчасига ташриф буюришди. Бу ерда савдо ярмаркаси бў-либ ўтди. У савдо хизмати ветеранларининг хизмат кўр-сасининг ёш ходимлари билан учрашувиға бағишланди. Бун-дан бўён ана шундай оммавий сайллар анъанаға айланади.

Ана шундай сайлни кела-ётган навбатдаги дам олиш кўнлари — 24 ва 25 майда ана Карл Маркс кўчасида ўт-казиш таклифи этилди.

(Бугун газетанинг 3-саҳифа-сида бўлиб ўтган ана шундай тадбир ҳақида ҳикоя қилув-чи материалларни ўқисиз).

АССАЛОМ,
ФЕСТИВАЛЬ
ҚАТНАШЧИЛАРИ
ВА МЕҲМОНЛАРИ

ПРИВЕТ
УЧАСТНИКАМ
И ГОСТЯМ
ФЕСТИВАЛЯ

GREETINGS TO
THE PARTICIPANTS
AND GUESTS OF THE
FILM FESTIVAL

SAUT AUX
PARTICIPANTS
ET INVITES
AU FESTIVAL

SAUDOS ALOS
PARTICIPANTES
E INVITADOS
AL FESTIVAL

Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ҳодимлар меҳнатининг обрў-эътибори оширилади. Уларда топширилган иш учун масъулият тўғриси қучайтирилади. Ҳар бир киши ўз иш жойида виждонан ва тўла самара билан ишлашга эришилади.

(1986–2000 йилларда ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматини ривожлантириш Комплекс программасидан).

Жанговар машина командири, гвардия сержанти Г. Холиков

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ КИНОСТУДИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Р — 12759.	Газета бир йилда 300 марта чиқади. Тираж 52. 141.	Б — 2112.	Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.
------------	---	-----------	-------------------------------------